O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 14 ноябрь, № 222 (4121) Сешанба

Истиқлол берган имкон

Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" ҳам ниҳоясига етмоқда. Мамлакатимизда шу муносабат билан қабул қилинган дастур асосида кенг кўламдаги бунёдкорлик, қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди, тиббиёт муассасалари ва сиҳатгоҳларнинг моддий базаси мустаҳкамланди, эътибор ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари ва кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама кўмак берилди. Энг муҳими, бағрикенг, меҳр-оқибатли юртдошларимиз қалбидаги хайр-саховат, мурувват, ўзганинг дардига дармон бўлиш каби эзгу фазилатлар яна бир карра намоён бўлди.



ҲОМИЙЛИК – ҲАМ САХОВАТ, ҲАМ САОДАТДИР

Эл-юрт ташвиши билан яшаш, бировнинг мушкулини осон қилиш, ночорларга беминнат ёрдам қўлини чўзиш азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, авлоддан-авлодларга ўтиб келаётган олижаноб хислатлардир. Зеро, бирон бир ўксик кўнгилни кўтариш, беморнинг дардига малҳам бўлиш, эҳтиёжманд одамнинг ҳожатини чиқаришдан ортиқ бахт борми?

Буюк мутафаккир шоиримиз ҳазрат Алишер Навоий ўлмас ғазал ва достонларида инсонни улуғлаш, гўзалликни мадҳ этиш, ҳаётга муҳаббат туйғуларини куйлаш билан бирга, доимо эл-улус тинчлиги, юрт ободлиги, мамлакатда адолатни қарор топтириш ҳақида қайғурган, ёш иқтидор соҳибларига ҳомийлик қилган. Шоирга замондош тарихчилардан Хондамирнинг гувоҳлик беришича, бу улуғ зот ўз маблағлари ҳисобидан Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида кўплаб масжиду мадрасалар, хонақоҳ ва ҳаммомлар, ҳовуз ва работлар қурдирган. Улар орасида Ҳиротдаги "Ихлосия", "Низомия" мадрасалари, "Халосия" хонақоҳи, "Шифоия" беморхонаси, Машҳаддаги "Дорул-Ҳуффоз" хайрия уйи каби илми урфон ва табобат масканлари бор.

Бундай хайрли ишлар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, маънавиятни юксалтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Буюк аждодларимиз, мутафаккир алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг таваллуд айёмлари, қадимий шаҳарларимизнинг юбилей саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Куни кеча бутун халқимиз шоду хуррамлик билан байрам қилган Қарши шаҳрининг 2700, Амир Темур бобомизнинг 670 йиллик, Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейлари ҳам шулар жумласидандир. Бундай шонли саналар, табаррук айёмлар муносабати билан юртимизда янги-янги мажмуа, муҳташам иншоотлар қад ростлади, қадамжо ва зиёратгоҳлар обод бўлди, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси гўзаллашди.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган ва яқинда матбуотда эълон қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, ушбу масала мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик, Фидокорлар Миллий демократик ҳамда Халқ демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларида ҳам атрофлича ўрганилди.

Айтиш жоизки, ушбу қонун лойиҳалари сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этиши, кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлашга қаратилгандир. Қонун лойиҳаларининг муҳокама этилиши ва кейинчалик қабул қилиниши эса сиёсий партиялар фаолиятининг янада фаоллашувига хизмат қилади, фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимининг тегишли институтларида иштирокини фаоллаштиради.

Йиғилишларда депутатлар ушбу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Ўзбекистонда суд мустақиллигини таъминлашда парламентнинг роли" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Депутатлар, республикамизнинг бир қатор жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари раислари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда юртимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимида мутлақо янги концепция жорий этилгани, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилгани қайд этилди. Шунингдек, тадбирда суд ишларини аппеляция тарзида кўриб чиқиш ва яратирув институти жорий этилгани, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланган ҳамда қонун устуворлигини янада юксалтириш борасида ҳам фикр-мулоҳазалар айтилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар Президентимизнинг Фармонлари билан 2008 йил 1 январдан республикамизда ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш инсон ҳуқуқларини таъминлаш, судлар мустақиллигини ошириш йўлида муҳим қадам бўлганлигини алоҳида таъкидлаб, мазкур ҳуқуқни амалга ошириш механизмлари ҳақида ўз нуқтаи назарларини билдирдилар.

Зиёда АШУРОВА,
Салим ДОНИЁРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ СИЁСАТШУНОСЛАРИ МУЛОҚОТИ

Самарқандда шу йилнинг 14-15 ноябрь кунлари "Демократик институтлар ривожланиши ва жараёнлари аҳволи ҳамда истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси» мавзуида Халқаро давра суҳбати бўлиб ўтади.

Унда қатнашиш учун Ўзбекистонга бир гуруҳ Россия олимлари, жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари ташриф буюришди, улар орасида Россия стратегик тадқиқотлар институти директори Е.Кожокин, Россия Жамоат палатасининг Глобализм ва миллий стратегик ривожланиш масалалари бўйича комиссияси раиси А. Мигранян, Сиёсий тадқиқотлар институти директори С.Марков, Европа форуми координатори М.Мейер, «Московские новости» ҳафтаномаси ва "Новый политический класс" журнали бош муҳаррири В.Третьяков, «Эксперт» журнали бош муҳаррири А.Приваловлар бор.

Халқаро давра суҳбати давомида Ўзбекистон ва Россия экспертлари ҳамда таҳлилчиларининг «Ўзбекистон ва Россияда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг аҳволи ва истиқболлари», «Демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари», «Фуқаролик жамияти институтлари ривожланишида хавф-хатар ва таҳдидлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари» каби мавзулар бўйича сермаҳсул ва очиқ мулоқотлар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Халқаро анжуманнинг мақсади Ўзбекистон ва Россияда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш масалаларини муҳокама қилиш, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида муштарак жиҳатларни излашдан иборат.

Давра суҳбати тадбирлари доирасида Россиянинг фуқаролик жамияти ва демократик ислоҳотлар институтлари ривожига ихтисослашган таҳлилчи ва экспертлари пойтахтдаги маҳаллалардан бирининг фаолияти билан танишишди. Бу ерда меҳмонларга халқ ҳокимиятининг ушбу ноёб институти тарихий сарчашмалари ҳақида, жорий йилда бўлиб ўтган маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари сайловлари, уй-жой коммунал ислоҳоти, ижтимоий сиёсатда фуқаролар йиғини иштироки хусусида гапириб беришди.

Шунингдек, россиялик экспертлар ва жамоат арбоблари Республика байналмилал маданий марказига ҳам боришди. Ўзбекистонда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Давлат жамиятнинг турфа миллатга мансублигини ҳисобга олиб, мамлакатда халқлараро тинчлик ва тотувликни сақлаш мақсадида изчил, ҳар томонлама оқилона сиёсат юритмоқда. Мазкур марказда ўтказилган суҳбат асносида мамлакат раҳбариятининг миллий сиёсати конструктив эканлиги, янги авлод тарбияси борасида мамлакатда яшаётган халқларнинг маънавий қадриятлари, маданиятларига ҳурмат руҳи вужудга келганлиги таъкидланди. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар хусусида меҳмонларга Сенат аъзоси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Рус миллий-маданий маркази раиси С.Герасимова ҳикоя қилиб берди. Хусусан, меҳмонлар мамлакатда яшаётган турли миллат вакиллари маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлардан хабардор қилинди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюришди. Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган учрашувларда Россия вакиллари парламент қўмиталари, депутатлар тузилмалари, қонун ижодкорлиги жараёнлари, Ўзбекистондаги қонунчилик амалиёти анъаналари билан таништирилди.

Ўзаро фикр алмашув жараёнида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги халқаро ҳамда парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Меҳмонлар бу мавзуга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига борганларида ҳам мурожаат қилишди. Сенатдаги мулоқотларда Россия таҳлилчилари ва жамоат арбобларига юқори палата фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, унинг бўлинмалари фаолияти, минтақалар, маҳаллий ҳокимият идоралари билан ўзаро алоқалар хусусида ахборот берилди.

Ўз мухбиримиз.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Заркентда замонавий шифохона

Заркент — Паркент туманидаги энг олис ва тоғли ҳудудда жойлашган қишлоқ. Бу ерда 9 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Илгари қишлоқ фуқароларига 100 ўринга эга бўлган шифохона хизмат қиларди.

Яқинда туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ушбу даволаш муассасаси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Эндиликда аҳоли бу ерда барча тиббий ёрдам ва муолажаларни олиши мумкин.

Тумандаги ва пойтахтимиздаги тадбиркорлар шифохонани таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун ҳомийлик қилишди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Обуна-2007»

МАЪНАВИЙ БОЙЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ, ХАЛҚ СЎЗИдин ғами

«Халқ сўзи» сизнинг газетангиз

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг мухлислари маъзур тутсинлар, шеъриятимиз султони фалакнинг гардиши билан замондош бўлганларида, юқоридаги шоҳ байтни озгина ўзгартириб айтишларини хаёл қилдик.

Албатта, гап фақат газета номланиши ҳақида эмас. Азалдан эл-улус ичида «Халқ сўзи — ҳақ сўз» деган ибора мавжуд. Биз, таҳририятимиз ижодий жамоаси ана шу эзгу мақсад сари интилсак, газетхонларимиз айбга буюришмаса керак.

Қайси нашрга обуна бўлиш — ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Биз ҳозирги обуна мавсумида «Халқ сўзи» газетасининг бошқа даврий нашрлардан алоҳида жиҳатларини тилга олмоқчимиз.

«ХАЛҚ СЎЗИ» — бу мамлакат миқёсида ҳафта мобайнида узлуксиз чиқадиган ўзбек тилидаги ягона кундалик газетадир.

«ХАЛҚ СЎЗИ» — Президент Фармонлари ва қарорлари, парламент қабул қилган қонунлар тўлиқ чоп этиладиган даврий нашрдир.

«ХАЛҚ СЎЗИ» — халқнинг дилидаги масалаларни кўтариб чиқиб, уларнинг ечими ҳал этилгунча изчил курашадиган газета.

«Халқ сўзи» чин маънода халқ ўй-фикрларининг кўзгусига айланади. Шу ўринда қуйидаги савол билан сизларга мурожаат қилмоқчимиз:

«Сиз «ХАЛҚ СЎЗИ» саҳифаларида қайси мавзулар кўпроқ ёритилишини хоҳлаган бўлардингиз?»

Марҳамат, фикр-мулоҳазаларингиз ёзилган мактубларни кутамиз. Диққатга сазовор хатлар обуна мавсуми мобайнида чоп этилади. Манзилимиз ўзингизга маълум: Тошкент 700000, ГСП Матбуотчилар кўчаси 32-уй, «Халқ сўзи» таҳририятига, «Обуна-2007» белгиси билан ёзиб юборинг.

Келгуси йил учун обуна давом этмоқда, шошилинг!

«Халқ сўзи» — 229
«Народное слово» — 116

Дунё нигоҳи

«THESE DAYS» газетаси, Ҳиндистон:

«Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон раҳбариятининг БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ташаббусларини юксак баҳолади. Шу ўринда Ўзбекистон турли таклифларни илгари суриш билан чекланмасдан, тараққийпарвар ғояларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам фаол иштирок этмоқда.»

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

ДАВР ТАҚОЗО ЭТАЁТГАН ҚОНУНЛАР
Депутат минбари

ДАРАХТЛАР МИНГ ЙИЛ ЯШАЙДИ
очерк



НАФС ҚУЛИГА АЙЛАНГАН ОҚСОҚОЛ

ҲОМИЙЛИК – ҲАМ САХОВАТ, ҲАМ САОДАТДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизни ислоҳ қилиш, унинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, саноат ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ёш авлод тарбияси йўлидаги салмоқли ишларни айтмайсизми? Ёки Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактаб таълими, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини ислоҳ этишга қаратилган дастурлар бўйича қанча замонавий лицей ва коллежлар, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт иншоотлари барпо этилганини кўз олдимизга келтирайлик.

Қисқа вақт мобайнида бундай кенг миқёсли ишларни адо этиш учун қанча куч, қанча моддий ресурслар, қанча маблағ керак? Шу ҳақда ўйлаганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ана шундай буюк бунёдкорлик ва маънавий юксалиш жараёнларининг, одамларимизнинг онгу тафаккурида, дунёқарашида содир бўлаётган ўзгаришларнинг, юрт равнақи, миллат келажаги йўлидаги барча эзгу ишларнинг ташаббускори ва бош ҳомийси давлатимиз раҳбари эканига, Президентимиз юрак-юракка етиб борадиган самимий сўзи, амалий ёрдами, моддий рағбатлантириши билан ҳомийлик, саховатпешалик борасида ҳам барчага намуна бўлиб келаётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Мамлакатимизда 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинишидан асосий мақсад ҳам ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга давлат ва жамият эътиборини янада кучайтириш, уларнинг ҳаётда ўзларини ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар деб ҳис этишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат эди.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу борадаги дастур ижроси бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, илк бор мактаб остонасига қадам қўяётган фарзандларимизга Президент совғаси — қарийб 4 миллиард 150 миллион сўмлик 12 номдаги ўқув қуроллари берилди, бу кичкинтойлар қувончига қувонч қўшди. Шунингдек, 725 минг нафарга яқин бошланғич синф ўқувчилари бепул кийим-бош билан таъминланди. Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларда чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан 28 мингга яқин кам таъминланган оилага соғин сигир тарқатилди. Бунинг учун 10 миллиард 420 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, 26 минг 600 нафар қаровчисиз пенсионер ва 21 минг 500 нафар ёлғиз ногиронларга уйларида ижтимоий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Молиявий жиҳатдан бақувват корхона ва ташкилотлар республикамиздаги "Саховат", "Мурувват" ва "Меҳрибонлик" уйларига, махсус мактаб-интернатларга қарийб 3,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатганини, болалар спортини ривожлантириш учун 14,1 миллиард сўм ҳомийлик маблағи тушганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш муассасаларини давлат бюджети ҳисобидан замонавий асбоб-ускуналар, инвентарь ва мебель билан жиҳозлашга 6,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Марғилон, Гулистон шаҳарларидаги тиббиёт касб-ҳунар коллежлари, Жиззах вилоятидаги "Маржон суви" уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳининг иккинчи навбати қуриб битказилди, Фориш тумани марказий касалхонаси туғруқ комплекси капитал таъмирдан чиқарилиб, ушбу шифокорлар жамоасига ҳомийлар томонидан махсус "Дамас" автомашинаси ҳадя қилинди.

Бундай савобли ишларни узоқ санаш мумкин. Лекин бу хайрли тадбирларда ишлаб чиқариш жамоалари, ишбилармонлар, фермерлар – юртимиздаги кўплаб саховатпеша инсонларнинг беминнат иштирок этгани муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўзидан, оиласидан орттириб, бировга баҳоли-қудрат мадад берган, унинг оғирини енгил қилган одамнинг ўзи ҳам қандайдир енгил тортади, руҳи кўтарилади. Озгина бўлса ҳам одамларга нафи текканидан, юрт корига яраганидан ғурурланади, ўзини бахтиёр ҳис этади. Шу маънода, ҳомийлик бу — саховат ва айни дамда саодат ҳамдир, десак, сира хато бўлмайди.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Қозоқовул қишлоғида "Эргаш ота" хусусий шифо маскани фаолият кўрсатади. Бу ерда беморлар қатъий парҳез асосида, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган малҳам ёрдамида ички аъзолардаги ҳар хил қуйқа, ёғ, туз ва тошлардан халос бўладилар. Шуниси диққатга сазоворки, шифохона бош ҳакими Бердиқул Эргашев ҳар куни илк бор келган 100-150 нафар беморни бепул қабул қилади, ташхис қўяди. Кейинчалик врач маслаҳати учун келувчиларга ҳам текин хизмат кўрсатилади. Даволаш ҳақи ҳам тузалиб чиққан беморнинг ижтимоий аҳволига қараб белгиланади – кимга 100 фоиз, кимга унинг ярми, бола-чақаси кўп, камхаржроқ одамларга эса бепул. Жамоа қишлоқ, туман ҳамда вилоят миқёсидаги хайрия тадбирларидан ҳеч қачон четда қолмайди.

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги Қорақишлоқда Жуман Нуриллаев деган ажойиб бир инсон яшайди. Уни сўраб борган кишига "Э, ҳожи аками, уни Жуманкўприкдан ўтиб, Жуманариқ бўйлаб борсангиз, Жуманбоғдан топасиз", дейишади. Бунга сабаб, Жуман ака савоб ишнинг катта-кичиги бўлмайди, деб муқаддас ҳаж зиёратига атаб жамғарган пули ҳисобидан баҳор чоғи сел олиб кетган кўприкни қайта қурдирган, катта ариқ қаздирган, 10 гектарлик боғ яратган.

Шу ўринда ҳомийлик, унинг моҳияти, одоб ва фалсафаси ҳақида бир оз тўхталиб ўтиш жоиз кўринади. Бу фалсафа "Яхшилик қил, дарёга сол, билса балиқ, билмаса холиқ", "Ўнг қўлинг билан қилган ҳимматни чап қўлинг билмасин" каби пурмаъно халқ мақолларида ўз ифодасини топган.

Бунинг маъноси шуки, ҳомийлик беминнат бўлиши керак. Токи, ундан баҳраманд бўлган одам хижолат чекмасин. Сизнинг ҳомийлик қилганингизни, қанча ёрдам кўрсатганингизни, юқорида келтирилган мақолларда айтилганидек, ҳамма билиши шарт эмас. Афсуски, тўртта синфхона қуриб, мактабга бобосининг номини қўймоқчи бўлганлар ҳам, саховат орқали сохта обрў орттиришга уринганлар ҳам, аксинча, сидқидилдан ҳомийлик қилган мулкдорларга, ўзини, бойлигини кўз-кўз қиляпти, дегувчилар ҳам топилади. Беморнинг кўнглига эмас, қўлига қарайдиган шифокорлар ҳам учраб туради.

Биз демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган эканмиз, бу мамлакатимизда ҳар қандай фаолиятнинг, жумладан, ҳомийлик фаолиятининг ҳам ҳуқуқий асосларини яратишни тақозо этади. Шу мақсадда "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонун ва Президентимизнинг ҳомийлик мақсадларига йўналтириладиган даромадга солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгилаш тўғрисидаги фармони лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатлар ҳомийлик фаолиятини ишончли кафолатлаш, ижтимоий нуқтаи назардан эътироф этиш ва ушбу хайрли ишларга ҳисса қўшадиган инсонларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириш имконини беради.



Шулар қаторида тиббиёт ходимларининг жамиятдаги мавқеини кўтариш, машаққатли меҳнатини қадрлаш мақсадида уларнинг иш ҳақига устама ва қўшимчалар тўлаш тартиби белгиланганги, "Тиббиёт ходимлари куни тўғрисида"ги қонун қабул қилинганини ҳам айтиб ўтиш керак.

...Ҳомийлик тушунчасининг маъно-мазмуни ғоят теран. У фақат бировни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ёки бирон бир эстрада юлдузига "спонсор"лик қилишдан иборат эмас. Шу жиҳатдан, биз ҳомий деганда, энг аввал, ўтган аср бошларида яшаган, бутун ҳаётини миллатни билимли қилишга, уни уйғотишга бағишлаган, бунинг учун ҳеч нарса талаб қилмаган маърифатпарвар боболаримизни, ҳар биримизга ҳарф танитган, нафақат мактабда, балки уйма-уй юриб, бизнинг таълим ва тарбия олишимиз ҳақида қайғурган, таъма ва таъна нималигини ҳаёлига ҳам келтирмаган фидойи муаллимларимиз — маънавий ҳомийларимизни эслаймиз.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янги иш ўринлари очаётган, уйда ўтирадиган опа-сингилларимиз учун касаначиликни йўлга қўяётган, ер эгалари бўлиб, нафақат ўз фарзандлари, балки маҳалла ва қишлоқ ёшларини ҳам қаноти остига олаётган, фан, спорт, санъат соҳаларида Ўзбекистонимиз фахри бўлган ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган бизнес вакиллари, тадбиркор ва фермерларни ҳам Ватанимизнинг нафақат бугунги куни, балки келажаги ҳақида ҳам қайғурадиган жонкуяр ҳомийлар қаторига қўшиш мумкин, деб ўйлайман.

Бошқача айтганда, бепоён далаларда ризқ-рўз ундираётган, яхши ният билан бир туп дарахт эккан, фарзандига атаб уй-жой қурган, мурғак қалбларга яхшилик уруғини сепган, адашганни тўғри йўлга етаклаган одамларнинг барчаси том маънодаги ҳомийлардир.

Президентимиз Ислом Каримов, одам дунёда беҳуда яшаб ўтмаслиги, ўзидан яхши ном, яхши боғ, яхши фарзандлар қолдириши керак, деган фикрни кўп такрорлайди. Ана шундай эзгу ният, орзу-умидлар билан яшайдиган халқ ўз мақсадларига, албатта, эришади. Бинобарин, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да бошланган олижаноб ишлар давом этаверади. Чунки меҳр-оқибат, ҳиммат ва саховатнинг чегараси бўлмайди.

Аҳмад ХЎЖА (ЎзА).

МАДАНИЯТ хабарлари

— Юртимизда жамоатчилик жамғармалари сони яна биттага ошди, – дея хабар беради жамоатчи мухбиримиз А. Алиев. "Хотира хиёбони" деб номланган ушбу жамғарма меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ишларини тарғиб қилиш билан шуғулланади.

Хотира эзгуликка чорлайди

Жамғарма ўз олдига аниқ мақсад қўйган, яъни пойтахтимизда "Яшил хотира хиёбони" ёдгорлик музейини очиш, "Олтин дарвоза" мусиқали шеърият театри ҳамда ёш қўшиқчилар студиясини ташкил этиш.

"Хотира хиёбони"нинг ташкил этилишида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия ташкилоти ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ташаббус кўрсатди.

Болалар нигоҳидаги дунё

Бухоро вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар методик марказида "Беғубор нигоҳ билан" деб номланувчи кўргазма очилди.

Унда дунёнинг барча қувончи, гўзаллиги, мўъжизаларга бойлиги болаларнинг ижодий тасаввурлари орқали рангтасвирлар ва фотосуратларда акс этди.

Она Ватан, оила, табиат манзаралари, юксакликка интилаётган оқ тулпорлар... Болалар яратган асарларни томоша қиларкансиз, гўё сиз ҳам бахтиёр болаликка қайтгандай бўласиз.

Кўргазма Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Эзгулик тараннуми

Самарқанд шаҳридаги А. Жўраев номли вилоят қўғирчоқ театри ижодий жамоаси ўқувчиларнинг таътил кунларида бир қатор кўнгилочар тадбирлар ўтказди.

Айниқса, Ҳайитали Низомиддинов қаламига мансуб "Зумраша", русийзабонлар учун Зулфия Диёрованинг "Ур тўқмоқ" асарларининг саҳналаштирилиши алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди. Ҳар икки асар ҳам эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, яхшилик, сахийликнинг афзалликлари ҳақида ҳикоя қилади. Демак, бу болажонлар қалбида эзгу хислатларнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

"Сиз Японияни биласизми?"

Урганч Давлат университетида "Сиз Японияни биласизми?" деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Унда кунчиқар мамлакатнинг иккинчи жаҳон уруши чоғида чеккан азиятлари, урушдан кейинги тикланиш, ривожланиш йиллари, илм-фан, саноат соҳасида эришилган муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилинади.

– Худди шундай кўргазма аввал Тошкентда, сўнгра Бухоро шаҳрида ташкил этилганди, – дейди Япония халқаро агентлиги – JICAнинг Ўзбекистондаги кўнгиллилар гуруҳи раҳбари Хидеки Мада. – Яқин ойлар ичида ана шундай тадбирларни Самарқанд ва Жиззахда ҳам ўтказиш ниятимиз бор.

Хабарларни М. ХОЛМАТОВА ва М. КАРИМОВА тайёрлади.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, дейдилар. Бу нақл дала юзини кўрмаган, дон етиштириш нималигини билмаган, тегирмоннинг яқинига йўламаган ва ниҳоят новвой заҳматини тасаввуригаям сиғдиролмаган, бироқ нонинг таъмини деҳқондан кўра яхши биладиган кимсаларга қарата айтилган...

Марҳамат туманидаги «Сут қабул қилиш пункти»ни сотишдаги найрангбозликлар, Алининг қалпоғини Валига кийдиришлар, ҳужжатларни сохталаштиришларни кўриб ёқа ушлайсиз...

(«Сувтекинга сотилган бинолар ва уларни нафс йўлида пуллаган учарлар ҳақида». «Халқ сўзи» 2006 йил 3 август).

Мулк эгасига қайтарилди

«Танқидий мақолада қайд этилган Марҳамат туман Коммунал фойдаланиш масъулияти чекланган жамиятга қарашли «Сут қабул қилиш пункти»нинг ноқонуний сотиб юборилиши юзасидан туман прокуратураси томонидан мазкур жамиятнинг собиқ раҳбариятига ва «PRINSIP» масъулияти чекланган жамият раҳбари М.Солижоновларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Натижада «PRINSIP»нинг баҳолаш ҳуқуқини берувчи лицензияси бекор қилинди.

Избоскан туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигининг ёзги клуб, хўжалиқ омбори, инкубатор биноси ва Избоскан туман Тўрткўл қишлоғида жойлашган ёзги клуб бинолари нодавлат мулк бўлганлиги сабабли Пахтаобод туман Суд ижрочилари бўлими томонидан вилоят хўжалик судининг қарорини ижро қилиш учун «Агросаноат» биржаси савдо майдончасига сотиш учун чиқарилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан вилоят прокуратураси томонидан вилоят хўжалик судига даъво ариза киритилиб, мулклар ўз эгаларига қайтарилган.

Б. АСРАНҚУЛОВ, Республика Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Биз ва жаҳон

Хорижга ишга бормоқчимисиз?

— Марҳамат, — дейди Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги раҳбари F. Усмонов ўтган ҳафта оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ушбу агентлик биносида ўтказилган давра суҳбатида.

— Негаки, ҳукуматимиз томонидан меҳнат миграция масалаларига катта эътибор берилаётгани боис бу борадаги муаммолар ўз ечимини топмоқда. Қолаверса, республика ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бу даргоҳда илк бора ўтказилган давра суҳбатида журналистларга кўп нарса аён бўлди. Жумладан, бу идора Корея Республикасининг ваколатли ташкилотлари билан узоқ йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келади. Ҳозирги кунга қадар агентлик бу мамлакатга 15 минг нафардан ортиқ Ўзбекистон фуқароларини касб-ҳунар ўрганиш ва ишлаш учун юборган.Республикамиз фуқароларининг хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида агентлик бугунги кунда Малайзия, Япония, Россия Федерацияси, Польша ва Қозоғистон давлатлари билан яқиндан музокаралар олиб бормоқда. Бундан ташқари, айнан ушбу мақсадда Янги Зеландия, Австралия, Испания ва Италия давлатлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича таклифлар юборилган.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг жорий йил бошидаги Корея Республикасига расмий ташрифи давомида мамлакатимиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги ўртасида «Бандликка рухсат бериш тизими (эркин ёллаш бўйича) ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги Меморандум имзоланди.

Давра суҳбати сўнгида журналистлардан тушган саволларга агентлик раҳбарияти ва ходимлари томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Э. БОЛИЕВ.

Мамлакатимизда ёш авлодга берилаётган эътибор дунёдаги ривожланган давлатлардагидан асло кам эмас. Бундай эътиборни ҳис қилиб, англаб яшаш эса ҳар бир йигит-қизни камолот чўққисига етаклаши, шубҳасиз. Шу маънода, яқинда матбуотда эълон қилинган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги Президентимиз Қарори ёшларга кўрсатилган эътиборнинг яна бир намунаси, десак янглишмаймиз.

ҲАРАКАТДАГИ ҲАРАКАТСИЗЛИКЛАР

ёхуд қурултой арафасидаги мулоҳаза

Сир эмас, ёшларнинг фаолияти, жамиятда тутган ўрни, улар дуч келаётган муаммолар ҳақида гап кетганда, кўз ўнгимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати гавдаланади. Негаки, ташкилот мамлакатимиз ёшлари орасида кенг қулоч ёйган бўлиб, ўз қаноти остида миллионлаб йигит-қизларни бирлаштирди. Улар билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлишга интилди.

Маълумотларга кўра, айни дамда Ҳаракатнинг вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар кенгашлари, туман ва шаҳарларда 199 та бўлими ҳамда 17 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти мавжуд. 14-28 ёш оралиғидаги йигит-қизларнинг 64 фоизи, аниқроқ айтганда, 5 миллион нафарга яқини унинг аъзосидир.

Айтиш жоизки, Ҳаракат ташкил этилганидан буён қатор йўналишларда самарали натижаларга эришилди. Аввало, ёшларни бирлаштириб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг манфаат ва қизиқишларини ҳимоялашга қаратилган вазифалар бажарилди. Қолаверса, йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этишларига, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, айнан ёшлар ташкилотининг бевосита аралашуви билан 16324 нафар ёш йигит-қиз ишга жойлашган бўлса, 127024 нафар ёш доимий ва мавсумий ишлар билан таъминланган. Бундан ташқари, тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган 2849 нафар талабага тижорат банкларидан таълим кредитларини олишга амалий ёрдамлар кўрсатилган. Шунингдек, жазони ўташ жойларидан қайтган 3409 нафар ёшга паспортларини олиш, ишга жойлашиш ҳамда оиласини тиклашда моддий ва маънавий кўмак берилган.

Юқорида таъкидлаганларимиз бажарилган амалий ишларнинг бир қисми бўлиб, бундан ташқари, ОИТС, гиёҳвандликка қарши турли акциялар уюштириш, репродуктив саломатликни тарғиб қилиш, спорт ҳамда жисмоний тарбияни оммалаштириш борасида ҳам анча-мунча ишлар қилинди. Ташкилот ўзининг 5 йиллик фаолияти давомида мамлакатимиз ёшлари дуч келаётган кўплаб масала ва муаммоларни ҳал қилишда бош-қош бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда харбий хизматни ўтаб қайтган ҳамда тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, пировардида, "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотларида фаол иштирок этаётган талабалар ўқиш тўловларининг 35 фоизи ташкилот бюджетидан қопланиши бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди.

Ҳа, амалга оширилган ишлардан кўнгилсиз арзийди. Ахир ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга суянч ва таянч бўла олиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли. Бироқ, кейинги пайтларда жамоатчилик орасида негадир "Камолот"га нисбатан танқидий фикрлар билдирилмоқда. Яъни, ёшлар орасида "Камолот"ни ўзиники, деб билиш ҳисси бирмунча пасайди. Уларнинг фикрига кўра, жойлардаги маҳаллий ҳокимлик вакилларининг турли "узундан-узун ҳамда зерикарли ваъзлари бўладиган залларга ёшларни "Камолот" бошланғич ташкилотлари ёрдамида жалб этишга ундаши салбий фикрлар шаклланишига олиб келмоқда.

Яна бир мисол. Кўпчилик "Камолот"ни фақатгина тадбирбозлик билан шуғулланадиган ташкилот сифатида кўради. Уларда бундай фикр шаклланишининг сабаби бор, албатта. Чунки Ҳаракат ўтказаётган тадбирлар аксарият ҳолларда ёшларнинг қизиқишларидан кўра, шунчаки наридан-бери ташкил этилаётгани афсусланарли. Юзаки ўтказилган тадбир эса ҳеч қачон инсон онгу тафаккурини бойитмайди.

Шу ўринда айнан ёшларнинг фикрларига қулоқ тутайлик. ЎзДЖТУ талабаси Ўктам Худойқуловнинг фикрича, Ҳаракат фақат пойтахт ва шаҳарлардагина иш олиб бораётир. Унинг чекка ҳудудлар, хусусан, қишлоқдаги ёшлар ҳаётига таъсири жуда кам. Улар "Камолот"ни фақат телевидение орқалигина билишади.

— "Камолот" истеъдодларни кашф этишда жуда суст ҳаракат қилди, — дейди ЎзМУ талабаси Озода Яхшибоева. — Орамизда ўз иқтидорини кўрсатолмай юрган йигит-қизлар минглаб топилади. Ҳаракат биринчи галда мана шу ёшларни кашф этиш йўлларини ишлаб чиқиши керак. Улар имкон қадар кашф этилган ёшларни, яъни, Олимпиада ғолиблари-ю, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва стипендиатларни қайта-қайта "кашф" этмоқда. Бу эса ёшларнинг ташкилотга бўлган интилишини ўз-ўзидан сусайтиради.

Тўғри, бу борада ёшлар ташкилотининг маълум маънода камчилиги бордир. Бироқ, халқимизда қарс икки қўлдан, деган гап бор. Ёшларда кўпроқ ташаббус бўлмас экан, вужудга келган вазиятни ўзгартириш қийин кечади. Тан олиш керак, ўтган вақт ичида "Камолот" ўз атрофига минглаб ёшларни бирлаштирди. Уларга чин маънода суянч, таянч бўла олди. Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Сардор Маҳкамовнинг фикрича, ҳақиқатда, Ҳаракат жуда кўплаб йигит-қизларнинг камол топишига кўмаклашди. Хусусан, ташкилот туфайли минглаб ёшлар бир-бирини яқиндан таниди. Бир ғоя, бир истак атрофида бирлашди. Қисқа қилиб айтганда, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати унга ўхшаган кўплаб сардорлар ҳаётининг бир қисмига айланди.

Сўзимиз аввалида бугунги ёшларнинг ҳаётда ҳар томонлама камол топишлари учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлаб ўтган эдик. Бу бежиз эмас. Негаки, сизу биз баҳс юритадиган "Камолот" — бу ёшлар ҳаракати, бизнинг ҳаракатимиз. Унинг фаолиятига нафақат ташкилотдагилар, балки ўзини шу юрт фарзанди, деб билган ҳар бир ўзбекистонлик дахлдордир. Бугун ҳар бир йигит-қиз "бу менинг Ҳаракатим" демас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Айни пайтда эса Ҳаракатнинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги кенгашлари навбатдаги қурултой олдидан ўзларининг ҳисобот-сайлов конференцияларини ўтказмоқдалар. Ана шу тадбирлар орқали ёшларнинг қай даражада фидойи, фаол эканликлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу анжуманларда ҳар бир иштирокчи «Мен "Камолот"га эргашишга тайёрманми?» деган саволни ўз олдига қўйса ва унга асосли жавоб берса айни муддао бўларди.

Зиёда АШУРОВА, Қобил ХИДИРОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Фаластин ҳукуматининг янги раҳбари ким бўлиши аниқланди. «Франс- пресс» ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, «ХАМАС» ва «ФАТХ» ҳаракати ўзаро келишган ҳолда янги ҳукуматни шакллантирмоқда. Мухториятнинг сиёсий кучлари Ғазодаги Ислом университетининг собиқ раҳбари Муҳаммад Шбейрни бош вазир этиб тайинлашга розилик берди. Мазкур номзод мухторият президенти Маҳмуд Аббос ва амалдаги бош вазир Исмоил Хания томонидан ҳам тасдиқланди.

2006. 14 ноябр.

Польша Бош вазири Россия ва ЕИ ўртасида ўтказилаётган музокараларга тўсқинлик қилмоқчи. Бош вазир Ярослав Качиньский агар Москва энергетика тўғрисидаги хартияни ратификация қилмаса ва мамлакатдан Россияга экспорт қилинадиган гўшт ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўйилган тақиқни бекор қилмаса, расмий Варшава шундай йўл тутажагини билдирди. Качиньский ЕИнинг Брюсселда ташқи ишлар вазирларининг учрашуви олдидан баёнот қилди. Шунингдек, мазкур учрашувда ЕИнинг Россия билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари муҳокама қилинмоқда.

Ливан Президенти Эмиль Лахуд беш нафар вазирни истеъфога жўнатди. Улардан икки нафари «Ҳизбаллоҳ» гуруҳининг аъзоларидир. Президентнинг мазкур қароридан сўнг мамлакат вазирлар маҳкамасининг йиғилиши конституцияга зидлиги ва унда қабул қилинган ҳар қандай қарор қонуний кучга эга эмаслиги эълон қилинди. Сабаби, Бош вазир Фуад Синиор мамлакат раҳбарининг бу қарорини бекор қилганди.

Оқ уй Эрон ва Сурия билан Ироқнинг келажагини муҳокама қилиши мумкин. АҚШ Президенти маъмурияти раҳбари Жош Болтен «Эй-би-си» телеканалига интервью берар экан, Жорж Буш Ироқда барқарорлик ўрнатиш учун барча йўлларни ўрганиб чиқишга қўрсатма берганлигини маълум қилди. Мазкур масалани ўрганиб чиқиш бўйича махсус комиссия ҳам тузилди. Улар жорий йил охирига қадар Ироқдаги вазиятни ўрганиб чиқишади ва тавсиялар тайёрлайди. Бунда, ҳатто, расмий Теҳрон ва расмий Дамашқ билан алоқаларни тиклаш йўллари ҳам кўриб чиқилади.

Араб давлатлари Ғазода ўтказилган ҳарбий амалиётлардан норози. Бейт-Ханунда ўтказилган отишмалар чоғида 19 киши қурбон бўлди. Уларнинг аксарияти аёллар ва болалардир. Араб давлатлари Лигасининг ташқи ишлар вазирлари мазкур масалани муҳокама қилмоқдалар. Лига бош котиби Амр Мусанинг билдиришича, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Исроилга қарши тайёрланган резолюция лойиҳасининг қабул қилинишида расмий Вашингтоннинг вето ҳуқуқидан фойдаланиши минтақада норозиликни кучайтириши мумкин.

Украина Бош вазири мамлакат ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Борис Тарасюкнинг истеъфосини сўрамоқчи. У мазкур масалада президент Виктор Юшенко ва Олий Радага мурожаат қилмоқчи. Унинг фикрича, Тарасюк вазир бўла туриб, ҳукуматга мухолифатда бўлмоқда ҳамда давлат дастурларининг амалга ошишини қўллаб-қувватламаяпти. Мамлакат конституциясига мувофиқ, президент тавсиясига кўра, мудофаа ва ташқи ишлар вазирини парламент тайинлайди ҳамда уларни истеъфога чиқаради.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

махсус ҳимоялаш ва ёнғин хавфсизлиги воситаларини сотиб олиш учун

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Талаб этиладиган шартларни бажарадиган чет эл ва маҳаллий юридик шахслар танловда иштирок этишлари мумкин.

Танлов муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 20 кун.

Ҳужжатлар ва танлов ўтказилиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қишлоғи.
Тел.: (998 75) 221-00-19, 221-15-64.
Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Солиқ тизими

Жомбой туманидаги Жомбой қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Холида Каримова ноқонуний равишда спирт савдоси билан шуғулланаётгани туман солиқчиларининг қисқа муддатли текширувларида аён бўлиб қолди.

ЯШИРИН ЦЕХЛАР

фаолиятига чек қўйилди

Унинг уйи кўздан кечирилганда, акциз маркаси елимланмаган 19 шиша «Мароқанд» ароғи, 10 турдаги 76 шиша акциз маркали ароқ, 106,6 литр спирт, қалбаки рақамли 1267 дона акциз маркаси, 736 та ёрлиқ, кўплаб темир қопқоқлар, спирт ўлчагич, жами 329900 сўмлик маҳсулот аниқланиб, улар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

— Солиқчиларимизнинг бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва бошқа маъмурий органлар ходимлари билан ҳамкорлиги туфайли жойлардаги ноқонуний, турли хил яширин цехлар фаолиятига чек қўйилаяпти, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мамадиёр Одилов. — Аниқланаётган ҳолатларда айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилаяпти.

Яқинда солиқчилар туман марказидаги Самарқанд кўчаси, 35-уйда яшовчи фуқаро Шуҳрат Холбеков ҳамда Ғазара қишлоғилик Зокир Жўраевнинг ҳам ноқонуний фаолиятига чек қўйишди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарғона вилояти Учкўприк тумани давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган

«WWW-GRANDLY», «PPP-BEST», «MARK SAYYOD SERVIS» ва «БХИ ИНИЦИАЛ» хусусий фирмалари

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 10 октябрь кунидаги 15-06-09/13118, 15-06-09/13119, 15-06-09/13116 ва 15-06-09/13117-сонли ҳал қилув қарорларига асосан

банкрот деб топилиб, тугатиш ишлари бошланди.

Ушбу фирмаларга алоқадор шахслар ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳақдор корхона ва ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 (икки) ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Ўқитувчилар кўчаси, 20-«А» уй, Учкўприк тумани давлат солиқ инспекцияси, 4-хона. Телефонлар: (код 8-373-51) 52-7-34, 51-9-72.

ИНВЕСТОРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ўз фаолиятини кенгайтириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қизиқиш билдирган инвестор ва тадбиркорларни **банкрот-корхоналар мулкларини мажмуа ҳолда сотилиши бўйича очиқ савдоларда қатнашишга таклиф этади.**

Банкрот-корхоналар мулклари ва савдо ўтказиш тартиблари бўйича қўшимча маълумотларни талабгорлар тегишли биржалардан, қўмита веб-сайти: www.antimon.uz ва қуйидаги манзил бўйича олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, 700011, Тошкент ш., Навоий к., 18 А, Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси.
Телефон: 139-10-13, факс: 139-83-42. E-mail: devonxona@antimon.uz

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва улардан фойдаланувчи мулкчилик шакли турлича бўлган корхона ва ташкилотлар диққатига!

«ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АК

2006 ЙИЛ 15–17 НОЯБРЬ КУНЛАРИ

2007 йилда қурилиш материалларини етказиб бериш учун шартномалар тузиш бўйича

ярмарка

ўтказади.

Истеъмолчиларга қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш, ишлаб чиқарувчиларга эса ўз маҳсулотларини намойиш этиш ва сотиш имконияти яратилади.

Ярмарка «Ўзқурилишматериаллари» АК биносида қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Мироқилов кўчаси, 68-а уй.

Маълумот учун телефонлар: 152-29-51, 152-12-54. Факс: 152-29-51.

TO ATTENTION OF INVESTORS AND BUSINESSMEN!

THE STATE COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON DEMONOPOLIZATION, SUPPORT OF COMPETITION AND ENTREPRENEURSHIP

invites investors and businessmen interested in extension of current and creation of new production facilities to participate in open sales of property complexes of bankrupted enterprises

Full information is available on official web-site: www.antimon.uz, e-mail: devonxona@antimon.uz and by following address:

18-A, Navoi str., Tashkent, Republic of Uzbekistan. zip-code: 700011 or by tel: (+99871) 139-10-13, fax: (+99871) 139-83-42

IT IS TIME TO GOOD BUSINESS!

«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ
ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ
СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА
Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

ЧЕТ ЭЛЛАРГА КЕТАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ ОЛДИНДАН ЎЙНИКТИРИШ ВА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ КОРЕЙС ТИЛИ БЎЙИЧА 1 ОЙЛИК ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ўқишни тамомлаган фуқароларга сертификат берилади. Ушбу ўқув курсини тамомлаган фуқароларга марказ Корея давлатига бориш кафолатини бермайди.

Манзил: Тошкент ш., Учтепа тумани, 11-мавзе, М.Шайхзода к., 1-а уй.
Маълумот учун телефонлар: 117-61-14, 117-61-17.

Марказ маъмурияти.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Энг яхши чора — ЭҲТИЁТ ҚИЛИШ!

КОМПЬЮТЕРЛАР ВА ОРГТЕХНИКАНИ ТАЪМИРЛАШ

МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚУРИШ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

NG SERVICE Муаллифлаштирилган сервис-марказ

Манзилимиз: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Мўлжал: «Авиасозлар» саройи. Тел.: 199-50-22, 199-52-84.

hp TRIPP LITE FUJITSU SIEMENS LG Canon EPSON

Бизнинг суҳбат

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги тантанасида Ўзбекистон санъат усталарининг концерти давом этарди. Байрам қизиган паллада Мусахон Нурматов басталаган қуйнинг дебочаси янграганда олқишлар ҳар қачонгидан авжига чиқди. Саҳнада санъат мухлисларига танилиб бораётган хонанда Озодбек Назарбеков пайдо бўлди. Хўш, бунчалик оммавий олқишнинг сабаби нимада?

Хонанданинг мухлислари билан суҳбатлашсангиз, уларнинг ҳар бири бунга турлича изоҳ беришга уринади. Кимдир унинг халқона оҳангда қўйлагани учун, яна кимдир қўшиқ матнини танлашда масъулият билан ёндошиши учун, бошқа биров эса саҳнада ўзини тутиш маданиятига қатъий амал қилгани учун ҳурмат қилишини айтади. Озодбек Назарбековнинг ўзи бунга нима дейди?

ДУОЛАРДАН БАХТ ТОПГАН ФАРЗАНД

— Аввало, мухлисларнинг шундай қизғин муносабатда бўлиши ҳар қандай санъаткор учун катта бахт. Лекин бу муваффақиятларга фақат ўзим эришдим десам, нокамтарлик бўлади. Чунки юртимизда санъатга бугунгидек эътибор бўлмаганда, бизнинг ҳам эл назарига тушишимиз осон бўлмасди. Ижодимга билдирилаётган самимий олқишнинг яна бир сабаби устоз санъаткорлар кўз ўнгида тарбия топганим натижаси бўлса керак. Қўшиқчилик сирлари ва саҳна маданиятини ўрганишимда марҳум устозим Муҳриддин Холиқовнинг хизматларини доим таъкидлагим келади. У киши билан ёнма-ён юриб мен нафақат санъат, балки ҳаёт ҳақида ҳам кўп сабоқ олдим.

— Негадир маҳзун хонишларга кўпроқ ўрин ажратасиз. Бу, ҳаётда жиддий инсон бўлганингиз таъсирими ёки шунчаки ўзига хосликми?

— Эътибор берган бўлсангиз, сўнгги пайтларда ҳар бир соҳага, жумладан, санъат соҳасига ҳам Ғарб маданиятининг ўрганса арзигулик жиҳатлари билан бирга иллатлари ҳам кириб кела бошлади. Назаримда, охирги йилларда дардсиз қўшиқларнинг камайиб кетишига шу жиҳат сабаб бўлди. Агар буни таҳлил қиладиган бўлсак, Осиё санъатида азал-азалдан байрамона ёки рақс учун тайёрланган қўшиқлар негизида ҳам қандайдир маҳзунлик бўлган. Буюк ҳофиз Маъмуржон Узоқовнинг "Жонон бўламан деб", "Айрилмасин" хонишларини бир эсланг. Мен ҳам табиатан шундай қўшиқларни куйлашни хуш кўраман.

Бундан ташқари, бошқа тилларда ҳам қўшиқ айтиб кўрдим. Ҳинд, тожик ва рус тилларидаги қўшиқларим шулар жумласига киради. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Мамлакатимизда кўплаб миллат вакиллари яшашади. Улар ҳам шу заминда ўзбеклар билан ёнма-ён умргузаронлик қилишмоқда. Агар бир қўшиқчи сифатида ижодим уларга маъқул келса, шу йўл билан бошқа халқ вакилининг ўзбекларга меҳри янада ортиши мумкин-ку, дея ўйлаб қолдим. Қолаверса, санъаткор учун мухлислар сафининг қанчалик кенгайиб бориши уни шунчалик илҳомлантиради, янгидан-янги ижод сари ундайди. Минг шукрки, шу ниятим рўёбга чиқаяпти. Айни пайтда мухлисларим орасида, ўзбек тилини тушунмаса-да, мен ижро этган қўшиқларни севиб тинглайдиганлари ҳам бор. Мана шу энг катта ютуқларимдан бири саналади.

— Қўшиқнинг киши қалбига тез етиб боришида сўз, мусиқа билан бирга унга ишланган видеоклип ҳам муҳим аҳамиятга эга. Назаримизда, Сизнинг "Ёмғир", "Кутаман" ва "Яхшийди" номли хонишларингиз эл орасида анча машҳур бўлиб кетишига мана шу жиҳат катта туртки берди. Мухлисларингиз бундай чиқишларингиз кўпроқ бўлишини исташади.

— Ижодимни кузатиб келаётганлар яхши билишадики, мен шу вақтга қадар клип билан шуғулланмадим. Бунга асосий сабаб, шу йўлда ижод қилувчи муносиб ҳамкорларнинг йўқлиги эди. Дўстим, таниқли қизиқчи Ғайратбек Аҳмедовнинг интилишлари эса мени бефарқ қолдирмади. У ўз ишини пухта ва сидқидилдан бажарадиган йигит. Масалан, "Ёмғир" қўшиғига клип ишлаш учун Ғайратбек икки ой вақт сарфлади. Натижаси эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

— Бугун қўшиқчилик санъатида, айниқса, эстрадада рақобат тобора кучайиб бораяпти. Нима деб ўйлайсиз, ҳозирги ёшларнинг ижоди ушбу майдонда муваффақият қозона оладими ёки бу даромад топишнинг бир йўлими?

— Фақат даромадни ўйлаб, рекламанинг кучи билан санъат соҳасига аралашиб юрганлар ҳам кўп. Агар ўзига ташлаб қўйилса, ишончим комилки, ундайларнинг мустақил қадам босишга қурби етмайди. Тинимсиз ижод ҳақида ўйлайдиганларнинг меҳнати эвазигагина улар санъат майдонини мажбуран тарк этишлари мумкин. Чунки қайси миллатнинг савияси баланд бўлса, ўша миллатнинг санъаткорлари ҳам табиий равишда сараланиб бораверади. Наздимда, шу жараён бошланди.

— Санъаткор учун энг муҳим жиҳат нима?

— Адабиётни, айниқса, миллий адабиётни билиш энг муҳим жиҳат, менимча. Шу билан бирга саҳнада ўзини тутиш маданиятини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Узоққа бориб ўтирмайлик, бундан ўн-ўн беш йил олдинги ҳолатни бир эсга олинг-а. Ўша давр санъаткорларида жиддийлик бор эди, улар халқимиз менталитетига мос келмайдиган бачкана хатти-ҳаракатларни ҳеч қачон ўзларига эп кўришмаган.

— Чиқишларингиздан бирида "Қўшиқчи ёшларга фақат ўз санъати билан таъсир кўрсата олади, уларни эзгуликка ундайди, токи ёшлар ўзларини шу миллатнинг бир бўлаги, деб ҳис қилсинлар" деган фикрни билдиргандингиз.

— Ҳақиқатан ҳам, санъатнинг таъсир кучи жуда катта. Бу масъулиятни шу соҳанинг ҳар бир вакили дилдан ҳис қилиб туриши керак. "Халқлар дўстлиги" саройида бўлиб ўтган концерт дастурида бир ҳолат менга қаттиқ таъсир қилди. Хонанда Отабек Муҳаммадзоҳид улуғ бобокалонимиз Навоий қаламига мансуб "Эй чеҳраси тобоним, ошиқлари ҳайроним" деб бошланувчи қўшиғини ижро этганда 16-17 ёшли йигит-қизлар биргалашиб куйлашди. Очиғи, ўша ёшларга "Навоийни ўқи" десангиз ўқимаслиги мумкин. Лекин шу йўл билан улар ўзлари билмаган ҳолда шоирнинг ижодига кириб кетишаяпти. Бора-бора бу ҳолат уларнинг ана шу қўшиқларда айтилган сўзларнинг маъносини тушунишга бўлган ҳаракатлари, мумтоз адабиётга нисбатан қизиқишлари ортишига олиб келади.

Умуман, санъат маънавий кучга эга. Ундан фақат тўғри йўлда фойдаланиш керак. Бугун Ғарбдан бизга таъсир ўтказиш мақсадида қилинаётган хатти-ҳаракатлар ҳам маънавиятимизни йўқотишга бўлаётган уринишлардир. Албатта, бунга бефарқ қараб бўлмайди. Айниқса, биз санъаткорлар бундан ҳушёр тортишимиз, ёмон иллатларнинг кириб келишига сабабчи бўлиб қолишдан қўрқишимиз лозим. Чунки, истасак-истамасак, халқ кўпроқ эл назаридаги санъаткорлардан андоза олишга ўрганган.

Келинг, эътиборингизни яна бир жиҳатга қаратсам. Бизда Ватан мавзусида жуда кўп қўшиқлар яратилмоқда. Аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, уларнинг айримлари дабдабали, кўпроқ саҳнабоп қилиб тайёрланган. Бунга қаршилик жойим йўқ, албатта. Лекин, фикримча, биз ушбу мавзудаги хонишларимизни кўпроқ халқчил қилиб, халқнинг яхши кунлари — тўйларида ижро эта оладиган қилиб яратишимиз керак. Чунки қўшиқчи оддий одамлар билан кўпроқ мана шундай давраларда юзма-юз келади.

Шу мақсадда Сирожиддин Саййид сўзи билан "Ватан" номли қўшиқ тайёрладик. Бир эшитиб кўринг:

Дил пораси, кўз қораси —
сен ўзингдирсан,
Менинг кўнглим сен аслида,
сен кўзимдирсан.
Томиримда томир ёйган
илк сўзимдирсан,
Илк оғриғим, илк ёмғирим,
найсоним Ватан.

Бу қўшиқни бемалол ҳамма давраларда айтиш мумкин.

— Юртимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тантанасидаги чиқишингиз ҳам мухлисларингиз томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. Айтинг-чи, мамлакатимиз бош саҳнасида қўшиқ куйлай туриб, кўнглингиздан нималар кечди?

— Мустақиллик деганда мен, энг аввало, аждодларимиз армонини кўз олдимга келтираман. Бир томони менга хурсандчилик бағишласа, иккинчи томони ўша аждодларимизнинг бугунги кунни интизорлик билан кутганликлари, унинг дардида фидо бўлганликлари хаёлимда гавдаланади. Энди ўйлаб кўринг, мана шу руҳият билан қўшиқ айтиш ҳар қандай санъаткорга жуда катта масъулият юклайди. Қолаверса, саҳнада туриб қайси байрамни нишонлаётганимизни, қайси байрамда иштирок этаётганимни ҳам доимо ич-ичимдан ҳис қилиб тураман.

Истиқлол байрамини нафақат санъаткор, балки шу юртнинг оддий бир фуқароси сифатида ҳам юксак қадрлайман. Ва беихтиёр шу кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтаман. Ҳар биримиз Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлишимиз, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашимиз, унинг қадрига етишимиз лозим.

— Мухлисларингизга тилакларингиз.

— Аввало, юртимиз тинч, юртдошларимиз соғ-саломат бўлишсин. Хирмонларимиз, дастурхонларимиз доимо баракали бўлсин. Биз санъаткорларга мухлисларимиз билан ҳамиша яхши кунларда кўришиб юриш насиб этаверсин.

Шавкат ОРТИҚОВ суҳбатлашди.

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИГА

дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар диққатига!

Давлат тест марказида эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2006 йил декабрь ойининг қуйидаги кунларида ўтказилади:

Т/р	Таълим йўналишлари	Ўтказиладиган вақти
1.	Педагогика	15 декабрь, соат 9.00
2.	Тиббиёт	22 декабрь, соат 9.00
3.	Муҳандислик	29 декабрь, соат 9.00

Қатнашчиларни рўйхатга олиш — Давлат тест марказида (Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 12-уй) соат 8.30 дан 9.00 гача.

Маълумот учун телефон: 134-46-83.

Давлат тест маркази.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги лавозимлар учун танлов эълон қилади:

«АВИАКОИНОТ» ФАКУЛЬТЕТИ

1. **Учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси кафедраси:** доцент — 2,5, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
2. **Лойиҳалаш асослари кафедраси:** катта ўқитувчи — 4.
3. **Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси:** катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
4. **Аэродинамика ва парвоз синовлари кафедраси:** мудир, доцент — 1.
5. **Касб таълими кафедраси:** мудир, катта ўқитувчи — 2,5.

«ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ» ФАКУЛЬТЕТИ

1. **Учиш аппаратлари ва авиадвигателлардан техник фойдаланиш кафедраси:** *катта ўқитувчи — 4, ассистент — 0,5.*
2. **Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозлари кафедраси:** *доцент — 1, катта ўқитувчи — 1,5.*
3. **Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг электржиҳозлар кафедраси:** *доцент — 1,75, катта ўқитувчи — 2,75.*
4. **Олий математика ва информатика кафедраси:** *доцент — 2, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 1.*
5. **Физика ва кимё кафедраси:** *доцент — 3, катта ўқитувчи — 1.*

«МЕНЕЖМЕНТ» ФАКУЛЬТЕТИ

1. **Авиатармоқ менежменти кафедраси:** *профессор — 1,5, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.*
2. **Авиатармоқ маркетинги кафедраси:** *мудир, профессор — 1, доцент — 3, катта ўқитувчи — 4.*
3. **Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси:** *катта ўқитувчи — 3.*
4. **Тиллар кафедраси:** *мудир, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ўқитувчи — 1,75.*
5. **Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси:** *катта ўқитувчи — 2,5.*

Конкурсда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

- *ариза;*
- *шахсий варақа (сўровнома);*
- *2 дона фотосурат;*
- *илмий ишлар ва мақолалар рўйхати;*
- *дипломлардан нусха;*
- *ТДАИда ишлайдиганлар эса ариза, илмий ишлар рўйхати.*

Аризалар эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 25-уй, ТДАИнинг бош биноси, 3-қават, 34-хона (илмий котиб). Телефон: 133-47-13.

Қўшхабар

Меҳр улашиб...

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг Жиззах вилоят бўлими ташаббуси билан 29-«Меҳрибонлик уйи»да ўтказилган хайрия кечаси 150 нафар тарбияланувчи қалбида илиқ таассурот қолдирди.

Дастлаб «Меҳрибонлик уйи»даги ўқувчи ва мактаб ёшига етмаган ўғил-қизларга қиш мавсумида кийиладиган пойабзаллар, ўқув қуроллари ҳамда турли хил ширинликлар тарқатилди. «Меҳрибонлик уйи» учун дори-дармонлар ва санитария-гигиена воситалари топширилди.

Шундан сўнг тарбиячи ва ўқувчилар иштирокида «ОИТС — XXI аср вабоси» мавзуида кўргазмали воситалар ёрдамида мулоқот ташкил этилди.

Тадбир «Жиззах» ашула ва рақс дастаси санъаткорларининг концерт дастури билан якунланди.

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Нодира Каримованинг таъкидлашича, ноябрь ойида бу каби тадбирлар вилоятнинг барча туманларида ташкиллаштирилади.

Барҳаёт наволар завқи

Жиззах шаҳридаги Бобур маҳалласида «Барҳаёт наволар» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларнинг миллий куйларга, чолғу асбобларига бўлган қизиқишини янада кучайтириш, бебаҳо маданий мерос орқали ўзлигимизни англаш, энг муҳими иқтидорли ижрочиларнинг маҳоратларини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган танловда вилоятнинг барча шаҳар, тумани вакиллари иштирок этишди. Қўбиз, чанқовуз, ғажирнай, дўломон, сибизға каби қадимий чолғу асбобларида моҳирона ижро этилган тароналар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ғолибликни қўлга киритган ижрочилар кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашадилар.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

2006 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРАГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

АРХИТЕКТУРА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

18.00.01 — *Архитектура назарияси ва тарихи, ёдгорликларни таъмирлаш* — ***1 та ўрин.***
18.00.02 — *Бино ва иншоотлар архитектураси* — ***2 та ўрин.***
18.00.04 — *Шаҳарсозлик, туманларни режалаштириш, ландшафт архитектураси ва қишлоқ турар жойларни режалаштириш* — ***1 та ўрин.***

ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

05.23.01 — *Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар* — ***3 та ўрин.***
05.23.05 — *Қурилиш материаллари ва буюмлари* — ***1 та ўрин.***
01.02.05 — *Суюқлик, газ ва плазма механикаси* — ***1 та ўрин.***

Ҳужжатлар 2006 йил 10 ноябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 2006 йил 1 декабрдан 10 декабргача ўтказилади.
Кириш имтиҳонлари танлаган мутахассислик фани, фалсафа, информатика ва чет тилидан топширилади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13-уй, 217-хона, илмий бўлим. Телефонлар: 142-11-73, 142-80-02.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Римма АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари немис филологияси факультетининг Лексика ва стилистика кафедраси ўқитувчиси Сурайё Муҳитдиновага отаси

Пўлат МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ректорати, жамоат ташкилотлари «Матбаа ва босма маҳсулотлари дизайни» кафедрасининг доценти Сабоҳат Камаловага ўғли

Бахтиёр КАМОЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси кадрлар бўлими бошлиғи Зуҳра Собировага волидаи муҳтарамаси

ГУЛБАҲРОМ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Respublika Teleradiomarkazi Давлат унитар корхона жамоаси Тошкент телемарказида кўп йиллар мобайнида ишлаган ва давлат мукофотлари соҳиби

Зоя Ивановна ПРИХОДЬКОнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6